

**Императив мақолларни контекстда фаоллаштирувчи омиллар
(ўзбек ва япон тили мисолида)**

О.Ф.Ачилова

Самарқанд давлат чет тиллар институти

***Аннотация.** Ушбу мақолада буйруқ мазмунидаги япон мақолларини ўзбек тилига таржима қилишда таяниладиган омиллар ва императив мақолларда муқобил таржима усуллари ҳақида фикр юритилган. Таржима жараёнида таржимон маҳоратини шакиллантишига туртки берадиган ва таржима табиийлигини таъминловчи омилларга тўхталинган. Шунингдек, мақолларда императивликнинг аҳамияти ҳақида фикр келтирилган.*

***Аннотация.** В данной статье обсуждаются факторы, на которые опираются переводы повелительных японских пословиц на узбекский язык, и альтернативные методы перевода повелительных пословиц. В процессе перевода обсуждаются факторы, способствующие формированию навыков переводчика и обеспечивающие естественность перевода. Также пословицы дают представление о важности повелительного наклонения.*

***Abstract.** In this article, the factors relied on in the translation of imperative Japanese proverbs into Uzbek language and alternative translation methods for imperative proverbs are discussed. In the process of translation, the factors that encourage the formation of the translator's skills and ensure the naturalness of the translation are discussed. Also, proverbs give an idea about the importance of imperativeness.*

***Калим сўзлар:** муқобиллик, муқобилсизлик, императивлик, паремия, мақол, буйруқ, нутқ, таржима, маҳорат.*

Ключевые слова: альтернатива, безальтернативность, императив, паремия, пословица, команда, речь, перевод, умение.

Key words: alternative, non-alternative, imperative, paremia, proverb, command, speech, translation, skill.

Кириш. Императив мазмунга эга бўлган жумлалар одатда маълум бир ҳаракат ижросини амалга оширишга ёки уни боғжармсликка ундаш ёки мажбур қилиш учун адресант томонидан адресатга йўналтирилиши маълум. Бирок, ушбу одатий буйруқ мазмунидаги гаплар ҳамда, таъбир жоиз бўлса, “ноодатий буйруқ” шаклига эга бўлган жумлалар, яъни мақоллар ва уларнинг тафовутли хусусиятлари сатҳини чеклаб олиш жоиз.

Адабиётлар таҳлили ва методология. Кундалик мулоқот матнимизда қўлланиладиган императив жумлалар кўпинча суҳбатдошнинг ҳаракат йўналишини белгилаб берувчи ёки унинг бажариш вақтига ва шахсига ишора қилишга қаратилган омиллар конкрет элементлар асосида тақдим этилса, бу турдаги мақоллар таркибида эса нутқ тингловчиси ўзига юклатилаётган ҳаракат ҳақидаги тасвирларга таянади. Ушбу ҳолат қиёсланаётган иккала тил, яъни ўзбек ва япон тили нормаларига мувофиқ бўлиб, қуйидаги мисолларга эътибор қаратамиз:

Императив гап:

Ойим сут ҳиди анқиб турган қўллари билан пешонамни силади.

- *Кўявер, ўғлим. Баъзан шунақаси ҳам бўп туради. – У бир зум жимиб қолди - да, секин қўшиб қўйди. – Фақат ўзинг бунақа қилмагин, хопми?*

(Ў. Ҳошимов “Дунёнинг ишлари”)

Императив мақол:

Дардингнинг вақти ўтса,

Табибдан ўпкалама. [5:404 б]

Равшанки, биринчи мисолда нутқ тингловчиси ва ҳаракат ижросини бажарувчи шахс, яъни адресат сифатида аёлнинг ўғли кўрсатилган. Аёлнинг

назарида унинг фарзанди ҳозироқ ҳавотирни тарк этиши ҳамда бундай ҳаракатдан четланишига ишора қилинганлиги конкрет ифодаланган. Шу ўринда қуйида япон тилидаг мисолни таҳлилга тортамыз:

Императив гап:

「本当に大事にして御上げなさいよ」と奥さんも言った。

「毒が脳に廻るようになると、もうそれっきりよ、あなた。笑い事じゃないわ。」 (夏目漱石「こころ」, 105

б.)

- “Ҳақиқатан ҳам, сен замхўрлик қил”, деди хотини.

- “Заҳар мияга кирса, бўлди тамомсан сен, куладиган нарса эмас (кулма)”. (Нацуме Сосеки “Қалб”, 105 б.)

Императив мақол:

善は急げ悪は延べよ。Яхшиликни шошилтир, ёмонликни кечиктир.

Натижалар. Юқоридаги мисоллардан маълумки, оддий буйруқ гаплар таркибида нутқ ижрочиси ва нутқ йўналтирилган шахсинг ўрни мавжуд бўлиб, бунда иккала иштирокчи муносабатига кўра тингловчи талаб этилаётган ҳаракат ижросини таъминловчи шахс сифатида намоён болади. Бироқ императив мазмунга эга бўлган мақоллар шакл жиҳатдан феълнинг буйруқ формаси билан яқун топган бўлса - да, мулоқот матнидан англашиладиган нутқ интенциясига кўра типик қолипдан четга чиқади ва буйруқ гап билан тафовутланади. Шунингдек, мулоқот матнида юзага келадиган буйруқ мазмунидаги гапларда ёки субатдошни ҳаракатга ундовчи нутқ сўзловчининг хоҳиш истагига кўра юзага келса, императив мақолларда нутқ ижрочиси бундай имкониятга эга бўлмайди. Масалан, 「今日考えて明日語れ。」 [8:59] “Бугун ўйла, эртан сўйла” мақолида нутқ интенцияси кишини ғабланган ёки турли хил ҳис - туйғуларга дуч келган вазиятларда тасаввурида пайдо бўлган ноқобил жумлаларни қўллашга хушёр бўлишга ва улар ҳақида бугун чуқур таҳлил қилиб, жоиз бўлса, кейинги кун ифода этишга ҳамда бугунги қалтис вазият эртага ижобий томонга ўзгариши мумкинлигига

умид боғлашга ундайди.

Муҳокама. Табиийки, ушбу жумланинг яратувчиси ва муаллифи сўзловчининг ўзи эмас, балки аждодлар томонидан инъом этилган маълум кадриятлар тўпламини ифодаловчи иборалардир. Диалогик нутқ жараёнида сўзловчи хоҳиш - истагига кўра императив мазмундаги нутқий актлар таркибида буйруқ таъсирини ошириш мақсадида перформатив феълларнинг бевосита иштирокини кузатиш мумкин.

Бирок, императив мақоллар шаклан буйруқ гап кўринишга эга бўлса - да, уларнинг таркибида нутқнинг ҳаракатга ундаш таъсирини кучайтириш ниятида қўлланилган перформатив феълларга мурожаат қилинмайди. Масалан, қуйида таҳлилга тортилган ҳар иккала мисол диалогик нутқ жараёнидан олинган парча бўлгани боис, уларда перформатив феълларнинг иштироки ўринли бўлиб, матнда буйруқнинг иллокутив куч таъсирини кучайтиришга хизмат қилган:

1) - *Йўлда эҳтиёт бўлинглар! – Меҳри хола хира кўзларини жавдиратиб илтимос қилди.* (Ў. Ҳошимов “Дунёнинг ишлари”, 235б)

2) - *Дилор, кетма. Илтимос қиламан, ялинаман...* (Ўш асар, 306 б)

Шу ўринда, қуйидаги мақолларга эътибор қаратамиз:

1) *Рост сўзни айт, ёлгон сўзадан қайт.* [5:212 б]

2) *Еювига чидасанг, тўй қил, ўлувига чидасанг, қўли қил.* [5:216 б]

Ушбу императив мақоллар шу ҳолича табиийликка эгадир. Уларнинг таркибини ўзгартириш ёки матнда буйруқнинг иллокутив куч таъсирини кучайтириш мақсадида нутқ ижрочиси томонидан “*илтимос қиламан*”, “*ўтинаман*”, “*ёлвораман*” каби перформатив феълларга ихтиёрий мурожаат қилиниши каби ҳлатлар ғайритабиий ва ғализ бўлиб, императив мақоллар нормасига мос келмайди.

Ваҳолангки, императив мақолларда гап шаклан феълнинг буйруқ шакли билан якун топиши императивликни фаоллаштириш учун мумҳим омиллардан ҳисобланади. Аммо шундай мақоллар мавжудки, улар кўринишидан императив шаклга эга бўлмаса - да, нутқ интенцияси буйруққа

ишора қилиши мумкин. Масалан, “*Кулги чехра ёритар*” мақоли кўринишидан оддий дарак гапдан бошқа нарса эмасдек, лекин у орқали нутқ ижрочиси тингловчини табассум қилишга ундаётган эканлиғни англаш мушкул эмас. Шу ўринда, япон тилидаги 「*笑う門には福来る。*」 [8:77] “*Омад кулиб турган дарвозага келади*” мақолида ҳам худди юқорида таҳлилга тортилган ўзбек тилидаги “*Кулги чехра ёритар*” мақолига хос бўлган хусусиятларни кузатиш мумкин.

Бироқ буйруқ шаклидаги феълли бирикмалар иштирокидаги айрим императив мақолларда кундалик диалогик нутқ жараёнида қўлланиладиган императив жумлаларга яқин бўлган хусусиятлар мавжудлиғини кузатиш мумкин. Хусусан, “*Аввал ўйла, кейин сўйла*” мақоли кундалик мулоқот матнида мақол таркибидаги элементларга ўзгартиришлар киритилиши натижасида “*Аввал ўйлаб, кейин гапир*” ёки “*Аввал фиклаб, кейин айт*” қабилида ифодаланиши ҳам мумкин. Ушбу хусусиятлар 「*今日考えて明日語れ。*」 “*Бугун ўйла, эртага гапир*” ёки 「*言いたいことは明日言え。*」 “*Гапиргани эртага гапир*” каби бир қанча япон мақолларига ҳам хосдир.

Бундан ташқари, шундай мақоллар ҳам мавжудки, уларда қўлланилган буйруққа ишора қилувчи феъл шакли мулоқот матнида қўлланиладиган буйруқ гаплар учун ҳам хосдир. Ушбу хусусият асосан буйруқ майли билан якун топувчи мақолларга хосдир. Масалан, “*Гидам сотсанг қўшнигга сот, бир четида ўзинг ўтирасан*”. Бунда сўзловчи жумла охирида қўлланилган ҳаракатга ундовчи феъл бирликларини нисбатан ихтиёрий фойдаланиши уларни турли шаклларда турлаши мумкин [1:203]. Масалан, “*Гидам сотсанг қўшнигга сотганинг маъқул, бир четида ўзинг ўтириб қоласан*” каби.

Бу мисолда, даставвал, императив мақол сифатида қўлланилган “*Гидам сотсанг қўшнигга сот, бир четида ўзинг ўтирасан*” мақоли сўзловчининг мақсадли ихтиёрига кўра, асл шаклидан фарқли тарзда қўллаш орқали риторик таъсир ҳосил қилинганлиғини сезиш мумкин.

Хулоса. Демак, юқорида айтиб ўтганимиздек, нутқимизда фаол бўлган

баъзи мақоллар паремияга хос кўринишга эга бўлишдан ташқари, оддий жумла сифатида ҳам намоён бўлиш хусусиятига ега бўлса, яна айримлари эса ундан фойдаланувчига гап охирини ихтиёрий равишда ўзгартириш имконини беради. Ваҳоланки, императив мақоллар нутқдаги оддий гапдан фарқли ўлароқ, улар буйруқ - истак мазмунини қисқа калималар воситасида тўлиқ ифода эта олишлиги билан хусусиятланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абакумова О.Б. Пословицы в языке, сознании и коммуникации. - СПб: Издательский дом «Алеф - Пресс», 2012.
2. Пермяков. Г.Л.Пословицы и поговорки народов Востока. -М: 1979.
3. Тўра Мирзаев, Асқар Мусоқулов, Баходир Саримсоқов. Ўзбек халқ мақоллари. -Тошкент: «Шарқ» нашриёт-матбаа аксиядорлик корпорацияси Бош таҳририяти, 2005.
4. Мацуги Шигеру (松木茂) 「ミニことわざ辞典」東京：1993.
5. Ории Эйжи (折井英治) 「暮らしの中のことわざ辞典」東京：1962.
6. О'тк'ир Нoшимoв, Dunyoning ishlari. – Toshkent: Yangi Asr Avlodi, 2019. – 340 b.